

**“Ўзэнергосотиш” АЖнинг Комплаенс назорат тизими томонидан
2026-йил 1-йрим йиллигида амалга оширилган ишлар юзасидан
МАЪЛУМОТ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-270-сон Фармони талаблари асосида “Ўзэнергосотиш” АЖда ишлар олиб борилиб, Жамиятнинг расмий веб-саҳифасида “коррупцияга қарши” бўлинмаси жорий қилинди.

Ушбу бўлинмада, Бошқарув раисининг коррупция қарши курашиш йўналишида расмий баёноти, Коррупцияга қарши курашиш йўналишида ички меъёрий ҳужжатлар, Алоқа каналлари, Ҳисоботлар ва бошқа маълумотлар жойлаштирилган.

Жорий йилнинг феврал ойи давомида Комплаенс назорати хизмати томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сонли, Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бўйича <https://e-anticor.uz> платформасига тегишли маълумотлар жойлаштирилди.

Ҳисобот даврида жами 17 нафар ишга номзодлар ўрганиб чиқилиб, малака ва кўникмалари юқори бўлган 11 нафар номзодлар билан меҳнат шартномаси имзоланди ҳамда 6 нафар номзодлар бўйича ўрганишлар натижасида Комплаенс назорати хизмати томонидан салбий ҳулоса берилган.

Коррупция ҳолатлари ва хавфини пасайтириш мақсадида норматив ҳужжатлар ва ички меъёрий ҳужжатлар мазмун ва моҳиятини тушунтириш бўйича Жамият ходимлари билан жами 3 маротаба ўқув семинар-машғулотлар ташкил этилди.

Бундан ташқари, давлат харидлари соҳасида шахсий манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш борасида Иктисодиёт ва молия вазирлигининг Ўқув марказида ўтказилган онлайн ўқув машғулотларида Жамиятнинг 11 нафар ходими иштирок этиб, гувоҳномаларга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 мартдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонун талабларига риоя қилиниши ҳолатлари доимий равишда ўрганиб борилмоқда.

Жорий йилнинг 1-чораги давомида харид комиссияси томонидан амалга оширилаётган барча жараёнлар мониторинг қилиниб, ўтказилган 3 та харид танлови ўрганиб чиқилди, шундан 1 та танловда нарх белгилашда хатолик мавжуд бўлганлиги сабабли танлов бекор қилинди.


Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқ коррупцион омилларнинг барвақт олдини олиш, уларни бартараф этиш мақсадида, ишга янги қабул қилинган 11 нафар ходимлари томонидан эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви декларация тўлдирилиши таъминланган,

декларациялар таҳлили натижасида манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланмаган.

Ҳисобот даврида Жамиятнинг алоқа каналлари орқали ходимларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан мурожаат келиб тушмаган.

Комплаенс назорати хизмати томонидан ходимлари орасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, ички сиёсат ва процедуралари, шунингдек коррупцияга қарши курашиш соҳасида профессионал ва ахлоқий меъёрларга қатъий риоя этилиши юзасидан тегишил тадбирлар амалга оширилиб келиномокда.

Комплаенс назорат хизмати
Бош мутахассиси



Ф.Таджибаев